

# ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

adolat24.uz/  
t.me/Gazeta\_Adotlat

## ОЙЛА БАХТЛИ БЎЛСА, ЖАМИЯТ МУСТАҲКАМ БЎЛАДИ

Ойла жамиятнинг энг муҳим бўғинидир. Шундай экан, ҳаётимизга мазмун бағишлайдиган, бизни ҳамиша ўз бағрига хорлайдиган оилалар доим мустаҳкам бўлсин. Маърифатпарвар бобомиз Абдурауф Фитрат айтганидек, авлодни тарбиялаш инсониятнинг хизмати дур. Қачонки, биз яхши ахлоқ эгаси, билимли, касб-хунарли фарзандларни тарбияласак, шундагина улар эл манфатига хизмат қиладилар.



## Фаолиятимизда амалий натижалар муҳим

«Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси Робахон Махмудова партия тизимини янада такомиллаштириш, ҳудудий кенгашлар фаолиятидаги муаммо ҳамда камчиликларни ўрганиш ва бартараф этиш мақсадида республикамиз бўйлаб ҳудудлар кесимида ўрганиш ишларини олиб бормоқда. Партия етакчисининг навбатдаги хизмат сафари Бухоро вилоятига бўлди.



“YANGI O‘ZBEKISTON DUNYOVIY VA IJTIMOIIY DAVLAT SIFATIDA RIVOJLANISHNING IJTIMOIIY, FALSAFIY, IQTISODIIY VA SIYOSIIY JIHATLARI” MAVZUIDA XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYAGA

## XUSH KELIBSIZ!

Анжуман иштирокчиларининг “Ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш – стратегик вазифа”, “Мақтаб таълими – Учинчи Ренессанснинг устунларидан бири сифатида”, “Янги Ўзбекистонда тадбиркор маънавиятини шакллантириш зарурати”, “Туркий халқлар фалсафасининг замонавий талқини”, “Янги Ўзбекистонда нодавлат таълим ривожоти – таълим сифатини оширишнинг муҳим омил сифатида”, “Ижтимоий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий менталитетнинг роли” каби мавзулардаги маърузалари тингланди.

## БИТИРУВЧИЛАР



## Ортиқча чиқимларга қачон чек қўйилади?!

– Кичик қизим Муслима бу йил мактабни тамомлапти, – дейди Холида Абдузоитова. – 25 майга синфдош дугоналари билан бир хил кўйлак тиктираётган экан. Шунинг ғалваси апрелдан бошланди. Кўйлакка 500 минг сўм, лентага 65 минг сўм, устоз учун совғага 30 минг сўмдан. Икки йилдан буён репититорда ўқитамиз. Майли, репититорга бормай турасан-да десам, аразлаб қолди. Узингиз биласиз, ҳозирги ёшларга гап уқтириб бўлмайди. Кел, майли, қизим хафа бўлмасин, деб опамдан қарз олдим. Хайронман, шу қуриб кетмагур 25 майни оддийроқ, камчиқим қилиб ўтказса нима бўлади?

Фейсбук ижтимоий тармоғидаги «Таълим инфо» саҳифасида ўтказилган кичик сўровнома «Битирувчи фарзандингизнинг 25 май харажатларига қанча пул ажратдингиз?» мавзусига бағишланди. Ота-оналарнинг 45 фоизи 400 минг сўмдан кўп, 23 фоизи 600 минг сўмга яқин, 18 фоизи 700 минг сўм атрофида ва 14 фоизи 300 минг сўмдан камроқ пул сарфлашини маълум қилган.

## ЭРКАКЛАРНИ АСРАНГ,



## АЁЛЛАР!

Зеро, улар ҳам баъзан ҳимояга муҳтож бўлишади

Албатта, хотин-қизларга яратилаётган чексиз имкониятлардан барча аёллар қатори ўзим ҳам баҳрамандман. Бу жараёнда биз асрий қадриятларимизни, анъаналаримизни, оиладаги ҳурмат ва иззатни ёддан чиқармаслигимиз зарур ва шарт. Бобо-момоларимиз бежизга “Отанинг юзига тик қарсанг, юзингга сепкил тошади”, “Эрининг дилини ноҳақ оғритган аёлнинг икки дунёси қора бўлади”, деб тарбия беришмаган.

## Жомбойда аъзолар сони 500 нафардан ошиқ БПТ иш бошлади



## КОРЕЯЛИК ОЛИМЛАР БИЛАН УЧРАШУВ



## ГУЛ САЙЛИ — ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

Этиборли томони шундаки, бу йилги гуллар фестивалида етти миллион нафар маҳаллий ва икки юз минг нафардан зиёд хорижий меҳмонлар иштирок этиши кутилмоқда.

Наманган туризм бошқармаси томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, 19-21 май кунлари Наманганга айнан фестивалда қатнашиш ва томоша қилиш учун 1 675 009 нафар сайёҳлар ташириф буюргани қайд этилди. Шундан 70 626 нафарини хориждан келганлар ташкил этган.

QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!





# Фаолиятимизда амалий натижалар муҳим

**Моҳигул РАҲИМҚУЛОВА,  
Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби**

Учрашувнинг биринчи кунини Сийёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудова ҳудудда партия дастурий вазифаларининг бажарилиши, лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш борасида қилинаётган ишлар ҳолати билан танишди. Фаоллар билан ўтказилган йиғилишда партия аъзолари сафини кенгайтириш, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш, кадрлар захирасини мустаҳкамлаш, аъзолик бадаллари тушумини тизимли йўлга қўйиш, партия аъзоларининг сиёсий билимларини ошириш борасидаги масалалар муҳокама қилинди.

«Адолат» СДП Бухоро вилоят кенгаши ҳамда ҳудуддаги партия маҳаллий кенгашлари ўтган даврдаги фаолияти давомида партия лойиҳалари асосида қатор ижобий ишларни амалга оширди. Жумладан, «Адолат» сиёсий-ҳуқуқий ўқувлари кўни» лойиҳаси доирасида партия лекторлари томонидан жами 357 маротаба сиёсий ўқувлар ташкил этилиб, бу тадбирларда 9561 нафар иштирокчи қамраб олинган. «Муаммо билан юзма-юз» лойиҳаси доирасида эса партиянинг ишчи гуруҳи аъзолари томонидан жами 427 та маҳаллада 7407 та хонадон ва 1021 та ҳужалик юритувчи субъектлар ўрганилди. Мазкур ўрганишлар жараёнида аҳоли томонидан келиб тушган 369 та мурожаат юзасидан мутасадди ташкилотларга 180 та депутатлик сўровлари юборилди. 189 та мурожаат мутасадди органларни жалб этиш орқали, 121 та мурожаат эса ҳуқуқий маслаҳатлар бериш орқали ҳал этилди. Партиянинг «Бир ойда бир иш ўрни» лойиҳаси доирасида 128 та фуқаро ишга жойлаштирилди.

Партия шаҳар ва туман кенгашлари фаолияти ҳамда амалиётга татбиқ этилаётган партия лойиҳаларининг самарадорлигини таъминлаш, уларни оммавий ахборот воситалари, хусусан, катта аудиторияга эга бўлган ижтимоий тармоқларда кенг тарғиб қилиш юзасидан вазифалар белгиланди.

Партия етакчиси ўрганиш ишлари давомида мамлакатимизда сайлов қонунчилигига киритилган муҳим ўзгаришлар, янги аралаш сайлов тизими борасида тўхталиб, сайловларни юқори савияда ўтказишда партия аъзоларининг фаол иштирокини таъминлашга доир тавсиялар берди.

Робохон Махмудова Бухоро вилоятга қилган хизмат сафари давомида эришилган ютуқларни эътироф этиш билан биргаликда, мавжуд камчиликларни ҳам атрофича таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш борасида тавсия ва кўрсатмалар берди.

Шунингдек, партия раҳбари Бухоро шаҳридаги «Варахша» маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган бошланғич партия ташкилотининг ишлари ҳамда халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши депутати Абдурауф Аҳмедовнинг депутатлик фаолияти билан танишди.

Бугунги кунда мазкур ҳудудда ташкил этилган партия бошланғич ташкилотининг 50 нафар аъзоси бўлиб, ушбу БПТ вакиллари партия тадбирлари, лойиҳаларида фаоллик кўрсатиши билан кўпчилигининг эътиборига тушган. Робохон Махмудова маҳалла доирасидаги ўрганишлар сўнггида партия аъзоларидан Фулом Қандоҳаров ҳамда бир

гuruh фаол «адолатчи»ларнинг партия ривожини йўлида олиб бораётган ишларини юқори баҳолаб, уларни партиянинг эсдалик совғалари билан тақдирлади.

Робохон Махмудова Бухоро вилоятга хизмат сафари давомида Бухоро шаҳридаги 57-сон кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактаб-гача таълим муассасасида ҳам бўлиб, мазкур таълим масканида тарбияланувчиларга яратилган шарт-шароитлар билан танишди.

Партия раҳбари муассаса тарбияланувчилари ва уларнинг ўқитувчи-тарбиячилари билан мулоқот қилар экан, бугунги кунда мамлакатимизда ёшларимизни баркамол авлод сифатида тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар хусусида сўз юритди. Шунингдек, имконияти чекланган ўғил-қизларимизни соғломлаштириш, иқтидори ва орзу-истакларини рўёбга чиқариш борасида яратилган имкониятлар ҳамда эришилган натижаларга алоҳида эътибор қаратди.

Партия раҳбари томонидан муассасада тарбияланаётган 59 нафар болажонларга совғалар улашилди. Шу билан бир қаторда, таълим муассасасида жойлашган кўзи ожиз-

тин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, тадбирда институт ректори Баҳодир Маъмуров сўзга чиқиб, мамлакатимизда хотин-қизларни

яратилган аудио китоблари тўпламини тақдим этди.

Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудова Бухоро



таъйиқ ва зўравонликдан асраш борасида давлат сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида энг кўйи бугун бўлмиш маҳалла ва хонадон-гача кириб борадиган тизим яратилгани ҳамда ушбу ёндашув амалиётда ўзининг ижобий натижасини бераётганлигини эътироф этди.

Тадбирда сўз олган партия фаол-

шаҳрида жойлашган Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро бўлими маҳалла ва хонадон-гача кириб борадиган тизим яратилгани ҳамда ушбу ёндашув амалиётда ўзининг ижобий натижасини бераётганлигини эътироф этди.

Тадбир аввалида тиббиёт муассасалари фаолияти билан тани-



лар жамяти кутубхонасига янги таҳрирдаги Конституциямизнинг партия ташаббуси билан яратилган аудио китоблари тўплами тақдим этилди.

Робохон Махмудованинг Бухоро вилоятга хизмат сафарида иккинчи кунини Бухоро давлат педагогика институтида ташкил этилган БПТ фаолияти билан танишишдан бошланди. Партия раҳбари бошланғич партия ташкилоти амалга ошираётган ишлар билан танишиб, келгусида БПТ фаолиятини кенгайтириш борасида тавсиялар берди.

Шундан сўнг Робохон Махмудова «Адолат» СДП Бухоро вилоят кенгаши ҳамда Бухоро давлат педагогика институти ҳамкорлигида ташкил этилган «Хотин қизларни таъйиқ ва зўравонликдан асраймиз» номида маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган бошланғич партия ташкилотининг ишлари ҳамда халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши депутати Абдурауф Аҳмедовнинг депутатлик фаолияти билан танишди.

Очик мулоқот шаклидаги тадбирда партия етакчиси эртанги кунимизнинг муносиб давомчилари бўлган ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш ва намунали оилаларни шакллантиришда таълим муассасаларида хо-

лар мамлакатимизни келгуси етти йилликда ривожлантиришга қаратилган «Ўзбекистон — 2030» стратегияси доирасида жамиятда хотин-қизларнинг фаолигини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш борасида аниқ вазифалар белгиланганлиги борасида сўз юритди. Жумладан, аёл-қизларимизнинг иқтидори ва орзу-истакларини юзага чиқариш борасида кенг имкониятлар яратилаётганлиги эътироф этилди. Бу борада янги таҳрирдаги Конституциямизнинг партия томонидан аудио китоби яратилиши ҳам нозик ҳилқат эгаларининг ўз ҳуқуқларини теран англашларига хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Йиғилиш якунида партия раҳбари институт кутубхонасига аудио-китоблар тўпламини тақдим этди. Шунингдек, партия гоёларига хайрихоҳлик билдирган 30 нафар талабага партиянинг аъзолик гувоҳномаларини топширди.

Партия етакчиси педагогика институтида ташкил этилган тадбирдан сўнг мазкур институтининг ҳарбий факультети фаолияти билан ҳам танишди. Талабаларнинг юқори малакали таълим олиши учун яратилган шарт-шароитлар ва замонавий ўқув хоналарининг жиҳозлар билан таъминлиши ҳолатини ўрганди. Ҳарбий факультет талабаларига янги таҳрирдаги Конституциямизнинг партия ташаббуси билан



шилди, сўнгра соҳа вакиллари кийнаб келаётган муаммо ва камчиликлар атрофича муҳокама этилди. Робохон Махмудова учрашув давомида партиямиз электротанининг кўпчилиги қисмини ташкил этадиган тиббиёт ходимларини ижтимоий муҳофаза этиш мавзусига алоҳида тўхталиб, бу борада мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ислохотлар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Самимий суҳбат, савол-жавоблар тарзида ўтган тадбир сўнггида Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро вилоят минтақавий филиалида «Адолат» СДПнинг янги бошланғич ташкилоти ташкил этилиб, тиббиёт масканининг 20 нафар саломатлик посбонларига партиянинг аъзолик гувоҳномалари топширилди.

## Фракция йиғилиши

# Давлат мулкани бошқариш соҳаси такомиллаштирилади



**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси йиғилишида «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.**

Депутатлар ушбу қонун лойиҳасини кўриб чиқиш жараёнига партия Сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, таҳлилий ёндашдилар.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, фуқароларнинг яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган самарали ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, маъмурий ислохотлар доирасида республикадаги бир қатор ижро этувчи ҳокимият органларининг ўзгартирилишини ҳисобга олган ҳолда ва бандлик соҳасидаги ислохотларнинг самарадорлигини ошириш учун қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш зарурлиги юзага келмоқда.

«Адолат» СДПнинг Сайловолди дастурида ҳам бандлик соҳасига оид устувор вазифалар белгилаб қўйилган. Жумладан, партия дастурида ишчилар манфаатлари ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолини иш билан банд қилиш, янги иш ўринлари яратиш, ишсизликка қарши курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур қонун лойиҳаси билан «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги қонунга «давлат бошқаруви органлари» тушунчаси «республика ижро этувчи ҳокимият органлари» тушунчасига алмаштирилишини, шунингдек, оилавий (маиший) зўравонликдан жабрланган шахслар аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифасига киритилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Муҳокамалар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасининг аҳамиятига алоҳида тўхталиб, уни янада такомиллаштириш, пишиқ-пухта ҳолатга келтириш ва маромига етказиш бўйича ўз фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсияларини билдиришди.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштириш бўйича қўшимча қафолатлари таъминлашга, шунингдек, қонун ҳужжатларини қўллаш амалиётидаги қарама-қаршиликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Йиғилишда «Давлат мулкани бошқариш соҳаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам қизгин муҳокамаларга сабаб бўлди.

Хусусан, депутатлар қонун лойиҳасининг биринчи моддасида назарда тутилган аниқликлар бўйича аниқлаштирувчи саволлар беришди. Қонун ташаббускорлари барча саволларга атрофича тушунтириш беришди. Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлат мулкани бошқариш соҳасини такомиллаштириш ҳамда махсус ваколатли органнинг ваколатлари ва устувор йўналишларини белгилаш орқали хусусий мулкчиликни кенгайтиришга хизмат қилади.

Қизгин баҳс-мунозаралар, савол-жавоблардан сўнг депутатлар томонидан тақлифлар эътиборга олинган ҳолда, ҳар иккала қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

## Хушxabар

# Жомбойда аъзолар сони 500 нафардан ошиқ БПТ иш бошлади



**Маълумки, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси аъзоларининг катта қисмини соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари ташкил этади.**

**Гулнафиса АБДИМУРОВА,  
Самарқанд вилоят кенгаши матбуот котиби**

Жомбой туман тиббиёт бирлашмасида «Адолат» СДП Жомбой туман кенгаши ташаббуси билан янги бошланғич партия ташкилоти тузилгани ҳам фикримизни исботлаб турибди.

Мазкур тадбирда «Адолат» СДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси ўринбосари Лола Сайидова ҳамда партиянинг Жомбой туман кенгаши раиси Комила Умарова иштирок этиб, партия сафига янги қабул қилинган 500 нафар БПТ аъзоларига партия олдида турган мақсад-вазифалар, Сайловолди дастуридаги устувор йўналишлар хусусида маълумотлар беришди.

Саховат – беназир қадрият

МУҲОФАЗА  
КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Янги Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлашга катта аҳамият берилмоқда. Хусусан, ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йилида юртдошларимизнинг ижтимоий ҳимоясини янги босқичга кўтаришда ўзига хос услуб ва шакллардан кенг фойдаланилмоқда. Фикримизнинг исботини Шаҳрисабз тумани мисолида яққол кўриш мумкин.



Самариддин ЗАЙНИДДИНОВ,  
халқ депутатлари Шаҳрисабз шаҳар Кенгаши депутати

Туманда истиқомат қилиб келаётган имконияти чекланганлар, фахрийлар, боқувчисини йўқотган оилалар турмуш ташвишларидан ҳар томонлама муҳофаза қилинган. Инсонпарварлик ва хайрли ишлардан "Адолат" СДП Шаҳрисабз тумани кенгаши фаоллари ҳам четда қолишадигани йўқ.

Жумладан, партиянинг "Саховат – беназир қадрият" лойиҳаси доирасида партия фаоллари "Нуроний" жамғармаси ҳамкорлигида ногиронлар, фахрийлар ҳолидан хабар олишмоқда. Ногирон ва қариқларнинг ҳовли-жойларида тозалик, озодаликни таъминлаш, томорқаларни ободонлаштиришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

"Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор", "Дўстлик" ордени соҳиби Сайдулла бобо Жабборов кутлуг 104 баҳорни қарши олди. Отахон "Обод маҳалла" фуқаролар йиғинига қарашли "Қутчи" қишлоғида яшайди. "Адолатчилар" унинг хонадонига ҳам бўлиб, совга-саломлар улашдилар. Хайрия ишига бел боғлаган ҳомийлар ҳам кекса отахонга моддий ёрдам улашиб, у кишининг дуосини олдилар.

– Юртимиз янада обод бўлсин, – дейди Сайдулла бобо. – Шундай юртда яшагани келади. Инсон қадрини улуғлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бундан қувонмай бўладими? Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

– Қайси хонадонга бориб суҳбат қилманг, "Адолатчи"лар шаънига миннатдорлик сўзларини эшитмасиз, – дейди "Нуроний" жамғармаси туман бўлими раиси Баҳодир Саидов. – Демак, сиёсий куч аъзоларининг партия Сайловолди дастурида устувор вазифа этиб белгиланган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги вазифаларни адо этишдаги савб-ҳаракатлари зое кетмаяпти.

21 май – Ўзбекистон  
кутубхоначилари куни

АДАБИЁТЛАР СОНИ ВА  
СИФАТИ ОШМОҚДА



Бугунги кунда республикада 12 мингдан зиёд ахборот-кутубхона муассасаси мавжуд. Шунингдек, вазирликлар, идоралар ва давлат органлари, шаҳар, туманларда ҳам ана шундай зиё масканлари ишлаб турибди.

Ахборот-кутубхона муассасаларининг китоб фонди 150 миллиондан зиёдни ташкил қилади. Мазкур тизимда 26 мингга яқин ходим хизмат қилмоқда.

Юртимизда ҳар йили 21 май — Ўзбекистон кутубхоначилари куни сифатида нишонланади.

Шу муносабат билан "Адолат" СДП Бўстонлик тумани кенгаши раиси Ақром Сайдалиев ташаббус билан туман Ахборот-кутубхона марказида тадбир ташкил этилди. Тадбирда туман Ахборот-кутубхона маркази ходимлари ҳамда партия фаоллари иштирок этишди.

Тадбирда сўз олганлар тадбир иштирокчиларини Кутубхоначилар куни байрами билан табриклаб, бугунги кунда мамлакатимизда китобхонлиқни кенг оммалаштириш, кутубхоналарда бадиий адабиётларнинг сони ва сифатини ошириш, китобхонлик ҳафталикларини мунтазам ташкил этиб бориш масалалари юзасидан ўз фикрларини билдиришди.

Тадбир сўнггида иштирокчиларга партиянинг эсдалик совғалари топширилди.

Тошкент вилоят кенгаши матбуот хизмати

Янги Ўзбекистон ҳуқуқий,  
дунёвий ва ижтимоий давлат  
сифатида ривожланиш йўлида

Бугунги кунда "Инсон қадри учун" тамойили Янги Ўзбекистоннинг асосий принципларидан биридир. Мазкур тамойил асосида мамлакатимизда сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослар йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Мамлакатимиз тараққиёт стратегиясининг мазмун-моҳияти халқ фаровонлигини ошириш, иқтисодиётни ривожлантириш, тадбиркорликни жадаллаштиришга қаратилган бўлиб, пировард мақсад, барча жабҳаларда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлигини таъминлашдан иборатдир.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида "Янги Ўзбекистон ҳуқуқий, дунёвий ва ижтимоий давлат сифатида ривожланишнинг ижтимоий, фалсафий, иқтисодий ва сиёсий масалалари" мавзусида ташкил этилган илмий-амалий халқаро конференция ҳам мазмун-моҳиятан халқимиз ва давлатимиз манфаатларига хизмат қилувчи масалалар муҳокамасига бағишланди.

"Адолат" социал-демократик партияси, партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳамкорлигида "2024 йил – Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш" йилига бағишлаб ташкил этилган халқаро илмий-амалий конференцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, "Адолат" социал-демократик партияси, турли вазирлик ва идоралар вакиллари, хориж ва Ўзбекистон олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, магистр ва талаба ёшлар иштирок этишди.

Конференция давомида Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори Г.Тешабоев, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Қ.Шарипов, "Адолат" СДП Сиё-

сий Кенгаши раиси Р.Махмудова, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, "Адолат" СДП фракцияси раҳбари З.Ибрагимов, Олий Мажлиси Сенати қўмитаси раиси Н.Умаров, ТДИУ проректори Г.Қаландарова ва яна бир қатор профессор-ўқитувчиларнинг илмий изланишлари асосида тайёрланган маърузалари тадбир иштирокчиларининг эътирофига сазовор бўлди.

– Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт нисбатан тез суръатлар билан ривожланмоқда, – деди "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудова ўз маърузасида. – 2020 йил октябрь ойида ҳукумат рақамли инфратузилмани, электрон ҳукуматни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни рақамлаштириш, миллий IT секторини яратиш ва IT таълимни кучайтириш мақсадида "Рақамли Ўзбекистон – 2030" стратегиясини қабул қилди. Рақамлаштириш ва инновациялар барқарор ривожланишнинг барча миллий мақсад ва вазифаларига хосдир.

Қолаверса, гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш ҳукуматимиз диққат марказида турган муҳим масалалардан биридир. Ўзбекистонда аёлларнинг ҳар қан-

дай дискриминациялардан ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ҳимоя қилини тартибга солишчи барча асосий халқаро шартномалар ратификация қилинган.

Гендер тенглигини таъминлаш мақсадида "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги, "Хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинди. Малакали аёл кадрлар сонининг ортиб бораётгани ҳаётнинг барча жабҳаларида фаоллики оширишга хизмат қилмоқда. Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати ҳамда бошқа раҳбарлик лавозимларида хотин-қизларнинг сиёсий фаоллиги ва салмоғи ортиб бормоқда. Ахборот технологиялари соҳасида гендер тенглиги барқарор ўсиб бормоқда: мобил телефон ва интернет фойдаланувчилари бўлган аёллар улуши кўпаймоқда. Яқиндагина пойтахтимизнинг Миллий медиа бирлашмаси томонидан ўтказилган "Миллий медиа маҳсулот яратишда аёллар сиймоси" мавзусидаги халқаро конференция ҳам фикримизнинг яққол исботидир.

Айтиш жоизки, юртимизда амалга оширилаётган халқчил ислохотларга хайрихоҳлик ва қатъий ишонч ўзининг ижобий ҳосили ва самарасини бермоқда. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ислохотларимизнинг узвийлиги ва давомиликни таъминлаш мақсадида "Харакатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари" деган тамойил асосий ғоя ва бош мезон қилиб олинди. Ушбу стратегияда юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қоний манфаатлари энг олий қадрият этиб бел-

гиланди. Шу нуқтаи назардан, ушбу халқаро конференцияда ҳам Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-фалсафий асослари юзасидан олиб борилаётган тадқиқот ишлари тадбир иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Анжуман иштирокчиларининг "Ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш – стратегик вазифа", "Мақтаб таълими – Учинчи Ренессанснинг устунларидан бири сифатида", "Янги Ўзбекистонда тадбиркор маънавиятини шакллантириш зарурати", "Туркий халқлар фалсафасининг замонавий талқини", "Янги Ўзбекистонда нодавлат таълим ривожини таълим сифатини оширишнинг муҳим омили сифатида", "Ижтимоий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий менталитетнинг роли" каби мавзулардаги маърузалари тинланди.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, конференция давомида тинланган маърузаларнинг ҳар бири ўзининг чуқур илмий асослари, муҳокама мавзулари бугунги кунда халқаро ҳамжамият учун бирдек муҳимлиги билан иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Турли баҳс ва мунозараларга бой тарзда ўтган конференция сўнггида юртимиз ва халқаро экспертлар иштирокида ўтган бу каби илмий-амалий анжуманларни анъанавий тарзда ташкил қилиш барча учун манфаатли эканлиги таъкидланди.

Конференция иши доирасида ёш олимлар "Энг мазмунли маъруза", "Нотиқлик маҳорати", "Энг яхши тақдирот" йўналишлари бўйича рағбатлантирилди.

"Адолат" СДП матбуот хизмати

Парламентда

Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Жанубий Корея Республикасининг Ханкук университети қошидаги Евросиё тадқиқотлар маркази раҳбари ва илмий тадқиқотчилари билан учрашув бўлиб ўтди.



КОРЕЯЛИК ОЛИМЛАР  
БИЛАН УЧРАШУВ

Қодир ЖўРАЕВ,  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раисининг ўринбосари

Тадбирда корейс делегацияси аъзоларига Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фаолияти, унинг қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолияти ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, жорий йилда мамлакатимизда навбатдаги парламент сайловлари ва бу галги сайловлар илк марта мажоритар ва пропорционал сайлов қоршмасидан иборат аралаш тизим асосида бўлиб ўтиши маълум қилинди.

Учрашув давомида Ўзбекистон – Корея муносабатларининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари ҳам кенг таҳлил қилинди. Маълумки, Корея Республикаси Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини 1991 йил 30 декабрда тан олган бўлиб, ўзаро дипломатик алоқалар 1992 йил 29 январда ўрнатилган. Ўзбек ва корейс халқларини қадимий дўстлик ришталари боғлаб туради. Икки халқнинг маданияти, менталитетида

ўзаро ўхшашликлар талайгина. Кўпгина корейс сериалларини ўзбек халқи севиб томоша қилаётганлиги бежиз эмас. Ўтган асрнинг ўрталарида мустабид ҳукмдор Сталиннинг қувғинига учраб, ўз юртидан бадарга қилинган ва тақдир тақозоси билан юртимизга келиб қолган корейслар, мана, 86 йилдирки, жамиятимизнинг фаол аъзоларига айланган.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида икки томонлама характердаги жами 200 га яқин ҳужжат имзоланган бўлиб, шундан 70 дан ортигини давлатлараро ва ҳукуматлараро характердаги халқаро шартномалар ташкил этади. Кейинги беш йилда давлатларимиз ўртасида товар айланмаси икки баравар ошди. 2022 йилда товар айирбошлаш ҳажми 23,3 фоизга ўсди ва 2,34 миллиард долларни ташкил қилди. 2025 йилга бориб мазкур кўрсаткични 5 миллиард долларга етқа-

зиш учун катта имкониятлар мавжуд.

Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ҳам тадрижий ривожланиб бормоқда. Ҳозирда Ўзбекистондаги олий таълим муассасалари Жанубий Кореядаги 45 дан ортик университетлар ҳамда илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишган.

Масалан, 2014 йилда Жанубий Кореядаги етакчи олий ўқув юртлиридан бири – Инха университети Тошкент шаҳрида ўз филиалини очган бўлиб, ҳозирда бу ерда компьютер ва дастурий инжиниринг ҳамда логистика йўналишларида юқори малакали мутахассислар тайёрланмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон ва Жанубий Корея Республикаси нафақат оддий ҳамкорлар, балки стратегик шериклар сифатида келгусида ҳам турли соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканлиги алоҳида таъкидланди.

Стратегик шерикчилик муносабатларининг истиқболли йўналишлари сифатида савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник ва гуманитар соҳалардаги амалий ҳамкорликдан ташқари қайта тикланадиган энергия манбалари (қуёш, шамол, гидроренергетика), IT ва рақамлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, сув ресурсларини бошқариш, туризм каби устувор йўналишлар санаб ўтилди.

Учрашув якунида томонлар бу каби юзма-юз учрашувларни доимий ташкил этишга ва ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш истиқболларини тизимли тадқиқ этиб боришга келишиб олдилар.



# БИТИРУВЧИЛАР КУНИ:

## Ортиқча чиқимларга қачон чек қўйилади?!

### АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

Эртага юртимиздаги ўн мингдан зиёд умумтаълим мактабларида «Сўнги кўнhiroқ» садолари янграйди. Бу кун ўқув йилининг якунланиши сифатида мактаб ўқувчиларининг, қолаверса, битирувчи-ёшларнинг ўзгача ҳаяжонига гувоҳ бўлишнинг айна лаҳзаси.

Ўтган йили мактабни битирганим туфайлими, 25 майнинг «ширин» ташвишлари ҳамон ёдимда. Шу сабабдан бу йил мактабдан мустақил ҳаётга учирма бўлаётган ёшларнинг айна дамдаги фаолияти, келгусидаги режалари ва шу билан бир қаторда ҳали-ҳанузгача сақланиб қолган «Сўнги кўнhiroқ» расм-русумларига нигоҳ ташлагим келди.

### Илҳомжон АБДУСАЛОМОВ, ЎзДЖТУ талабаси

Ҳар йили 25 май тадбири мактабларда бошланмасдан аввал Мактабга ва мактаб таълими вазирлиги «Сўнги кўнhiroқ» тадбирларини ташкил этиш бўйича ёд бўлиб улгурган кўрсатмани ижтимоий тармоқларда кўп бора эълон қилади. Кўрсатмада «Сўнги кўнhiroқ» тадбирлари 25 май куни соат 8:00 дан 9:00 гача фақатгина 1, 4, 9, 11-синф ўқувчилари иштирокида ташкил этилиши белгиланади. Шунингдек, турли ресторан, кафе ва хонадонларда «Битирувчи оқшомлари»ни ўтказиш, қимматбаҳо совғалар учун пул йиғиш, битирув кечаларига атаб қиммат кийимлар олиш, енгил автомашиналарда сайр ташкил этиш, ўқувчиларнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб кибитлар, истироҳат боғлари, чўмилиш хавзаларига бориши тақиқланиши таъкидланади. Бироқ бугун бу кўрсатмалар амалда қанчалик кучга эга? Куйида шу саволга жавоб излаймиз.

тарқалиши, 25 май учун кўп пул кетишига ишонингиз аниқ. Аммо қозонда бори чўмишга чиққанидек, кўп-лаб ҳудудларда бу расм-русумларга ҳаддан зиёд эрк берилиши, ўқувчиларнинг бу борадаги ҳаракатларини етарлича назорат қилмаслик иллати илдириганга гувоҳ бўламиз.

– *Ўтган йили каттам Дилфайз мактабни битирган бўлса, бу йили ўртанчам Шохжаҳон навбат менга етди, деб турибди, – дейди Бахтинисо Орзиқуллова. – Битирув тадбирларида битирувчи қизларнинг бир хил кўйлақда бўлишини кўрандик, лекин бу йил нимагадир бу «одат» йиғитларга ҳам татбиқ этилди. Эмиш, йиғитлар бир хил оқ кўйлақ, оёқ кийим ва неоклассик услубдаги шим кийса, «културний» кўрнаркан. Е товба, биз 25 майда сочи «эчкича» қилиб, лента тақиб борганмиз. Йиғитлар бўлса, кундалик кийган формасида борган. Шу дейман, бу расм-русумлар бора-бора ота-оналарнинг чўнтагини қуртмасе бўлди...*

### ҒАЛВА БИР ОЙ АВВАЛ БОШЛАНДИ

– Кичик қизим Муслима бу йил мактабни тамомлапти, – дейди Холда Абдузоитова. – 25 майга синфдош дўгоналари билан бир хил кўйлақ тиктираётган экан. Шунинг галваси апрелдан бошланди. Кўйлаққа 500 минг сўм, лентгага 65 минг сўм, устоз учун совғага 30 минг сўмдан. Икки йилдан буён репутаторда ўқитамиз. Майли, репутаторга борма турасан-да десам, аразлаб қолди. Узингиз биласиз, ҳозирги ёшларга гап ўқтириб бўлмайди. Кел, майли, қизим хафа бўлмасин, деб опамдан қарз олдим. Ҳайронман, шу қуриб кетмагур 25 майни оддийроқ, камчиқим қилиб ўтказса нима бўлади?

Фейсбук ижтимоий тармоғидаги «Таълим инфо» саҳифасида ўтказилган кичик сўровнома «Битирувчи фарзандингизнинг 25 май ҳаракатларига қанча пул ажратдингиз?» мавзусига бағишланди. Ота-оналарнинг 45 фоизи 400 минг сўмдан кўп, 23 фоизи 600 минг сўмга яқин, 18 фоизи 700 минг сўм атрофида ва 14 фоизи 300 минг сўмдан камроқ пул сарфлашини маълум қилган. Шунингдек, сўровнома қатнашчилари бу кунда мактаб ўқитувчилари ва раҳбариятини ҳам совға бериш орқали хурсанд қилишини ҳамда бу учун алоҳида пул йиғилаётганини таъкидлаган.

Бу сатрларни ўқир экансиз, юқоридаги рақамлар борасида шубҳангиз

### СИЗ СЎРАМАНГ, МЕН АЙТМАЙ...

Ҳар йили 25 май яқинлашганда ижтимоий тармоқларда ҳам тадбирни ўтказиш, унинг баъдий дастурига тайёргарлик кўриш, битирувчиларнинг фанфара садолари остида қай тартибда юришию, ҳозир қайси рақс ва қўшиқларнинг «тренд»да бўлаётгани ақс этган лавҳалар тарқалади.

Мисол учун, инстаграм тармоғидаги «Выпускник», «Битирувчи – 2024» каби саҳифаларда асосан Россия, Қозоғистон мактабларида ўтказилган тадбирлар андоза сифатида танлаб олинар экан. Ёшлар эса қўшиқнинг гоёси ва рақс ҳаракатларининг маъносини тўлиқ тушунамасдан, ижро учун танлаб олишади. Энг қизиғи бунда ҳам эмас. Байрамнинг молиялаштириш жараёнлари тадбир кунини ҳам тугамас экан. Бунга сабаб сифатида турли жиҳатлар тилга олинмоқда. Яхшиши, келинг, уларнинг ўзидан эшитсак.

– *Бизда 25 май учун ўртача харажат 100 доллар бўлган, – дейди Мухлиса Абдуллажоновна. – Бунга кийинишимиз, лентамиз ва устозларимиз, синф раҳбаримиз, директоримизга олинмаган совғалар, тадбирдан кейин ресторанда бўладиган зиёфат, шаҳар марказидаги боғда айланмиш харажатлари ҳам киритилган.*

### «Таълим инфо» саҳифасида ўтказилган кичик сўровнома «Битирувчи

фарзандингизнинг 25 май ҳаракатларига қанча пул ажратдингиз?» мавзусига бағишланди. Ота-оналарнинг 45 фоизи 400 мингдан кўп, 23 фоизи 600 мингга яқин, 18 фоизи 700 минг атрофида ва 14 фоизи 300 мингдан камроқ пул сарфлашини маълум қилган. Шунингдек, сўровнома қатнашчилари бу кунда мактаб ўқитувчилари ва раҳбариятини ҳам совға бериш орқали хурсанд қилишини ҳамда бу учун алоҳида пул йиғилаётганини таъкидлаган.

### ТАБИБИМНИНГ ЎЗИ ҲАМ БЕМОР(МИ?)

Ҳаёт этилишича, мактабларда ўтказиладиган «Сўнги кўнhiroқ» тадбирларини ташкиллаштириш, бунда байрам бўладиган ҳудудни байрамона безатиш, овоз кучайтиригичлар ўрнатиш, кўёш нуридан ҳимоялаш мақсадида мато ёпиш 90 фоиз ҳолатда битирувчиларнинг гарданида бўлarkan.

– «Оформление» учун 230 минг сўмдан, колонка учун 21 минг сўмдан йиққанмиз, – дейди 17 ёшли

Хулоса шуки, мактаб битирувчиларининг кўп қисми бугун ўз хоҳиши ва режаларини амалга ошириши учун ўртасида моддий номуносаблик, турли хил кўнгилисиз ҳолатлар юзага келишига сабаб бўлмоқда. Бунга қарши курашишда мактаб, маҳалла ва ота-оналар ҳамкорлик қилиши, бу учун жиддий чоралар кўриши керак. Зеро, ёшларни яхоталаш замиридан бир қанча афзааликлар кўзланган бўлса, астойдил назорат қилган яхши. Ниятимиз: битирув тадбирлари камтарона, маънавий-маърифий лойиҳалар асосида ўтказилса, буларнинг барчаси кун давомида мактабда ташкил этилса, нур устига ало нур бўларди. Қолаверса, айрим устозлар ва мактаб раҳбарлари совға дардида эмас, битирувчи-ёшларга давлатимиз раҳбари томонидан йўланаётган байрам табригининг мазмуни-моҳиятини тушунириш ва шу орқали уларнинг жамиятда ўз ўрнини топадиган, Янги Ўзбекистон истиқболига пешвоз чиқадиغان эртамик ворислари бўлиб камол топиши дардида бўлишса, яхши бўлмайми?! Ахир, улар мустақил ҳаёт оstonаси ва камолот пиллапоёсида туришибди.

Шамшод. – *Бундан ташқари, қалин шар учун умумий 400 минг, 6 та кабутар учун 235 минг, ранели юлдузча ва байрам мушаклари учун 460 минг сўм ҳисоблади. Жуда бўлмаганда, мактаб раҳбарияти микрофон ва овоз кучайтиригичларни ҳал қилмади. Ҳамма нарсани ўзимиз қилаётганимиз учун ҳам энди охиригача байрам қиламиз.*

Шунингдек, мактаб директорларининг айримлари тадбир бўладиган ҳудудни битирувчиларга кўрсатиб, микрофон, аппаратра ва бошқа керакли ускуна-жиҳозларни олдиндан брон қилиб қўйишини маслаҳат беради.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: тадбирни камтарона, юқоридаги «кўрсатма»га амал қилган ҳолда ўтказиш учун кўп-лаб мактабларда етарлича шароит бўлмаса, камига мактаб бюджетни маблағлари ҳисобидан безатиш ва техник овоз воситалари таъминлаб берилмаса, қанақасига пул йиғмасликни иддао қилиш мумкин? Битирувчилар оддий жойда, микрофонсиз мактабни битиришса, ғалати эмасми?

Балки битирувчи-ёшлар бўйича тадбир учун зарур бўлган бирламчи восита ва жиҳозлар, безатиш жараёнлари ҳам юқуридаги кўрсатмадан ёшлар хоҳлаганини қилиб, мактаб раҳбарияти, устозларидан ҳайиқиш-майтандирлар?!

### ХИЁБОН ТЎЛА БИТИРУВЧИЛАР

25 май куни туман, шаҳар марказлари, вилоятлар ва пойтахтдаги марказий боғлар, дам олиш масканлари ва хиёбонларда «Битирувчи» лентасини осиб олганча ёшларнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб юрганини кўрасиз.

– *Бу кунда ўқувчи ёшларнинг ўз-билармонлик билан турли хил жўлларга бориши бежиз ман этилмаган, – дейди жамоатчилик фаоли Мухаммад Ниматалиев. – Чунки йўлларда гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳаракатланиш хавфли. Бунда йўл-транспорт ҳодисалари, кўнгилисиз ҳолатлар учраши ҳеч гап эмас. Кузатишларим давомида икки мактаб битирувчиларининг марказий боғларнинг бирида аёввали адолат сабаб жанжаллашиб кетгани, оқибатда, йиғитлар ўртасида катта муштлашуве содир бўлганини эслаймэн...*

Хўш, нима сабабдан юқоридаги кўрсатма ижросини таъминлашда битирувчи ёшларнинг белгиланмаган жойларга яширинча боришларига чек қўйиш учун рейд тадбирлари ўтказилмайди? Нима сабабдан ёшларнинг қиммат харажатлари, тадбирдан кейин хоҳлаган ишнинг қилишини бироз назоратга олмайдими?

### Муносабат

## БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Кейинги йилларда юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар кўп-лаб соҳалар каби болалар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси соҳасида ҳам туб ўзгаришларни бошлаб берди. Жумладан, янгиланган Бош қомусимизда бола ҳуқуқлари кафолатларига алоҳида эътибор қаратилди.

Айнан шундай ислохотлар ижросида болаларни зўравонликнинг барча турларидан ҳимоя қилиш ва Ўзбекистон болалари учун хавфсиз ва янада қулай муҳит яратиш устувор вазифалардан биридир. Бу йўлдаги биринчи муҳим қадам сифатида «Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Бўзатов туман кенгаши томонидан «Аспантай» маҳалла фуқаролар йиғинида ушбу қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Давра суҳбатидан кўзланган мақсад «Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасидаги асосий масалаларни муҳокама қилиш ва уни янада тақомиллаштириш юзасидан устувор йўналишларни белгилаб олишдир.

Давра суҳбатида «Адолат» СДП Бўзатов туман кенгаши раиси Азамат Кўшекбоев қонун лойиҳаси асосидан батафсил маълумот берди.

– *Бугунги глобаллашув даврида иродаси қабулват, мустақил дунёқарашга эга, соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантириш олдимизда турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади, –* дея алоҳида таъкидлаб ўтди А. Кўшекбоев.

Таъкидлаш керакки, «Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий хавф солаётган муаммоларни бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати

## ИШОНЧ МАСКАНИГА АЙЛАНМОҚДА



Ўзбекистон «Адолат» СДП Риштон туман кенгашининг «Адолат» қабулхонаси да жорий йилнинг ўтган даври мобайнида турли масалалар юзасидан 60 дан ортиқ фуқаронинг мурожаатлари тингланди.

Шулардан 37 нафарига муаммоларининг ҳал этилиши юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилган бўлса, 10 нафардан ортиқ ёшлар бандлиги таъминланди. 16 нафар ёшларнинг касб-хунар ўрганишлари учун мутаассиди идоралар билан ҳамкорлик ишлари ўрнатилди. Оилавий ажримларнинг олдини олиш, уй-жой билан боғлиқ муаммолар ҳам атрофлича ўрганиб чиқилди.

«Адолат» қабулхонаси»га мурожаат қилган навбатдаги фуқаро Диёра Аҳмаджоновна Фарғона давлат университетининг психология йўналишини тамомлаган. Қўқон педагогика олийгоҳини битирган Аббос Неъмат эса математика фани ўқитувчиси. Хар икки фуқаро ҳам муносив иш ўрнига эга бўлиш истагида.

«Адолат» қабулхонаси»да «Адолат» СДП Риштон тумани кенгаши раиси Юлдузхон Солижоновна фуқароларнинг мурожаатларини туман Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими мутахассислари билан ўрганиб чиқди ва ҳар икки педагогнинг бандлигини таъминлаш чоралари белгиланди.

Гулчехра АҲМЕДОВА,  
Фарғона вилоят кенгаши матбуот котиби

## Янги БПТ иш бошлади



Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон шаҳар кенгаши аъзолари сафи кенгайиб бормоқда. Жамоатчилик орасида тарғибот тадбирларини олиб бориш баробарида «Партия патронажи» лойиҳаси доирасида андижонлик «адолатчилар» жойларда янги сафдошларимизни ўз сафларига олишмоқда.

Андижон давлат университетида бўлган партия фаоллари олийгоҳ профессор ўқитувчилари ва талабаларини «Адолат» СДПнинг Сайловолди дастури, ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари билан яқиндан таништирилди. Партия лойиҳалари асосида жойларда амалга оширилаётган ишлар юзасидан маълумот берилди.

– *Тарғибот тадбири шу куннинг ўзида самара берди, –* дейди Андижон шаҳар кенгаши раиси Жанона Раҳимова. – 20 нафар иштирокчи сафимизга қўшилиш истагини билдирди. Уларга эргашиб яна кўпчилик талабалар «Адолат» партиясини танишганларини айтишди. Тадбир сўнггида уларга партиянинг аъзолик билетларини топширдик.

Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати

Бугуннинг гапи

Депутат минбари

Дунёда шундай бир гўша борки, ҳар биримиз унга интиламиз. Ишдан, меҳнат жараёнларидан кейин ушбу маскан сари шошамиз. Унда бизни чорлайдиган яқинларимиз меҳри, умримиз мазмуни бўлган фарзанду набираларимизнинг юрак тафти мужассам. Бу, албатта, оиламиздир.

# ОИЛА БАХТЛИ БЎЛСА, жамият мустақкам бўлади

# ЭРКАКЛАРНИ

# АСРАНГ, АЁЛЛАР!

Зеро, улар ҳам баъзан ҳимояга муҳтож бўлишади

Шаҳноза ҒАНИЕВА,  
Фарғона вилоят кенгаши раиси

“Самарқандда эрининг устига 1,5 литр бензин сеппиб, ёқиб юборган аёл қамалди...”  
Яна бир машъум хабарга кўра, эрининг уйга пул олиб келмагани ва аёлини бошқа эркеклар билан гаплашганида айблаб, юзига бир шапалоқ ургани аёлининг қотиллик қилишига сабаб бўлган...

Ҳа, ўйламай босилган қадам одамларни оғир қисматга рўбару этмоқда.  
Фарғона вилоят “Оқила аёллар” ҳаракати аъзоси ва партиянинг вилоят кенгаши етакчиси сифатида оилавий ажримлар, оиладаги таъйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш юзасидан носоғлом муҳит юзага келган хонадонларда бўлаемиз. Оила вакиллари билан мулоқот қилар эканмиз, баъзида ёқа ушлагимиз келади. Ҳар доим ҳам аёл жабрдийда эмас. Аксинча, гоҳида зўравон, тухматчи, ўз айтганини ўтказиш йўлида ҳеч нарсадан тоймайдиган аёлларга рўбару бўлаемиз.

ларда меҳнат қилиб юрса-ю, сиз айбни шайтонга ағдарсангиз. Сизни шайтон йўлдан урмаган, аксинча, ўзингиз шайтонни ҳам доғда қолдирадиган аёл экансиз... Суф-е! – дебди жаҳл отига минган маҳалла оқсоқоли...  
Афсуски, кейинги пайтларда оиладаги зўравонликларнинг асл моҳияти, сабаб ва омиллари ўрганилмай, аёлининг хатоси учун бир тарсаки урган эркек ҳам панжара ортига тикиляпти. Гендер тенглиги дегани, эр ким биландир гаплашиб юрса, хотини ҳам юриши керак, хиёнат қилиши керак, деганими? “Эримдан боғлаб ўчимни олдим, ғиринг десин, қаматаман!” деб керилладиган аёлларимизни санашга бармоқларимиз етмай қоляпти.

Бир онахон уввос солиб йиғлаб келди: “Эрдам беринг. Келинимнинг хиёнатини кўтаролмаган болам ўз жонига қасд қилмоқчи бўляпти. Эртаю кеч уни пойлаб ўтиришга мажбурман... Бу кўргуликларга ўзим сабабчиман. Нима қилай?”  
Онахон билан суҳбатлашдик. Яқин қариндошининг қизини не-не орзу умидлар билан ўғлига олиб берган экан. Келинчак ҳомилалар бўлибди. Маросимларга пул кўп кетади, четга бориб ишлаб келай деб, йигит 3 ойга хорижга кетибди. Орадан вақт ўтиб, келиннинг кўзи ёрибди. Паҳлавондек ўғил туғилибди. Оила аҳлининг қувончи ҳеч ерга сигмас эмиш.

Бир ёш оила Россияда ишлаб келиб, қўшни маҳалладан уй сотиб олгани, уйни замонавий қиёфага келтириш учун катта таъмирлаш ишлари олиб боришаётганидан хабарим бор эди. Таъмир учун яна пул керак бўлиб қолгани боис, эр катта Россияга ишга кетганини ҳам эшитгандим.  
Кечаги воқеадан сўнг эса бутун вужудимни титроқ босди.


Онахон келиннинг туғуруқхонадан қайтишига унинг уйини супуриб-сидириб, чангларини артиб қўймоқчи бўлибди. Бир пайт уйдан сиз карта топиб олиб, уни ўғлига тутқазибди.  
– Мана, бу нарсанг тушиб қолибди. Яна зарур бўлса...  
Хотинидан шубҳаланиш хаёлига ҳам келмаган йигит сиз картани телефонига жойлаштириб, ёқиши билан телеграммига ўта ҳаёсиз сўзлар, тафсилотлардан иборат ёзишмалар кела бошлабди. Бу тўққиз ойдан бери давом этиб келар экан... Кўз олди қоронғилашган йигит йигит сиз картани телефонидан чиқариб, қайнона-қайнотасига олиб бориб берибди:

– Хулосани ўзларинг чиқариб опарсизлар... Қизларингиз ўғил туққан бўлса ҳам уни туғуруқхонадан олиб келмайман. Уни ўлдириб қўйсам, онамга жабр бўлади. Уч талоқ қилдим.  
Онахон эса ўғлининг номус кучидан тортиган изтиробларига дош беролмай ёрдам сўраб келибди...  
Бундай мисоллар эса... афсуски, кам бўлса-да учраб турибди. Нега бугун биз қизларимизни сабр-қаноатга, катталарни ҳурмат-иззат қилишига ўргатишни унутиб қўйдик. Билимсиз, ўзининг тор олампидан ўзга нарсани кўра олмайдиган айрим қизлар оила бутунлиги, шаъни, қадр-қиммати, ота-она ор-номуси ҳақида ўйламай қўйди... Авваллари аразлаб, уйига қайтиб келган қизларини ота-оналар уйнинг остонасидан ташқарига чиқаришга уялишарди. Бугун айрим оналарнинг гапи: “Тор қорнимга сиққан, кенг ҳовлимга сиғасан”, “Эримдан ажрашган битта сен эмас, дунёнинг ярми эрсиз ҳам бахтли яшайпти. Эртага маҳаллага чиқиб, уйга ариза ташлаймиз. Субсидия уй қилдирамиз. Алимент пули оласан жарақ-жарақ...”

...Ярим тун. Йигит тунги сменадан қайтаётган маҳали бегона машина уни сергаклантиради. Йигит йўл четига экилган арча дарактлари панасида туриб кузатсаки, машинадан тушган эркек таъмирланаётган хонадонга кириб кетади. “Ахир қўшининг эри чет элда бўлса, тун ярмидан оққанда бегона эркекни бемалол кириб кетиши шубҳали-ку”. Хуллас, қўни-қўшилар, маҳалла раиси, участка нозир гувоҳлигида аёлнинг уйдан бегона эркекни тугиб чиқяди.  
– Мени шайтон йўлдан урди... Бошқа бу ишни қилмайман, – деб зорланармиш ёш аёл.  
– Уят-э, эрингиз чет элда сизни, болаларингизни деб, оғир шароит-

Танганинг икки томони бўлганидек, аксар ҳолларда гендер тенглигининг моҳиятини тушунмаган, оилада оналик, турмуш ўртоқлик ва бекалик вазифаларини унутган аёллар муаммолар занжирини яратаётгани ҳам бор гап.  
Албатта, хотин-қизларга яратилаётган чексиз имкониятлардан барча

Оила муқаддас. Оила парокандалиги жамият жипслигига, мамлакат тараққиётига салбий таъсир кўрсатиши ҳаёт ҳақиқати. Шундай экан, азиз опа-сингилларимизни, миллат давомчилари ва тарбиячиларини яна бир бор ақл ва идрок билан иш юритишга чорлаймиз.



Афсуски, кейинги пайтларда онадаги зўравонликларнинг аса моҳияти, сабаб ва омиллари ўрганилмай, аёлининг хатоси учун бир тарсаки урган эркек ҳам панжара ортига тикиляпти.  
Гендер тенглиги дегани, эр ким биландир гаплашиб юрса, хотини ҳам юриши керак, хиёнат қилиши керак, деганими?  
“Эримдан боғлаб ўчимни олдим, ғиринг десин, қаматаман!” деб керилладиган аёлларимизни санашга бармоқларимиз етмай қоляпти.

аёллар қатори ўзим ҳам баҳрамандман. Бу жараёнда биз асрий қадриятларимизни, анъаналаримизни, оиладаги ҳурмат ва иззатни ёддан чиқармаслигимиз зарур ва шарт. Бобо-момоларимиз бежизга “Отанинг юзига тик қарасанг, юзингга сепкил тошади”, “Эрининг дилини ноҳақ оғритган аёлнинг икки дунёси қора бўлади”, деб тарбия беришмаган.

Камтарин бўл, ҳатто бир қадам ўтма гурур остонасидан. Пўёлаги инсон шунинг-чун ўпар доим пешонасидан.



Музафара АБДИЕВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

Оила – инсон учун муқаддас ва улуғ даргоҳ. Инсон шу даргоҳда туғилади, ўсади, унади, воёга етади. Оилани жамиятнинг кичик бир парчасига қиёслаш мумкин. У жамиятнинг муқаддас, асосий тарбия маскани ҳамдир.

Оиладаги ота ибрати, она меҳри, бобо ва бувилар ўғитлари орқали миллий қадриятларимизга бўлган имон-эътиқод, ҳалоллик, меҳр-оқибат авлоддан-авлодга ўтади, фарзандларимиз онги ва қалбда муҳрланиб боради.

Иқтисодий жиҳатдан фаровон, ижтимоий-ахлоқий ва ғоявий муҳити соғлом оила негизда юзага келган жамият ва давлатнинг пойдевори мустақкам бўлади. Чунки бундай оилаларда маънавий баркамол инсон воёга етади.

Мамлакатимизда оила манфаатини ҳимоя қилиш, оиланинг жамиятдаги мавқеи ва мақомини янада юксалтириш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, оила, фарзанд каби тушунчалар жамият асоси ва ҳар биримизнинг ҳаётимиз мазмуни ҳисобланади. Халқимиз азал-азалдан оилани муқаддас билиб, унда соғлом муҳит қарор топиши, мустақкам бўлишига алоҳида эътибор қаратишининг боиси ҳам шунда.

Айниқса, охириги етти-саккиз йилда мамлакатимизда жамиятнинг муҳим бўғини бўлган оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, жамиятда оилавий қадриятларни сақлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш ва уларнинг фаровонлик даражасини ошириш бўйича муайян ишлар қилинди.

Меҳр-муҳаббат қўрғони бўлган оила институтини мустақкамлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, оила ва хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оила ва хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш бўйича салмоқли ишлар бажарилди.

Биргина мамлакатимизда жорий этилган “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” каби ижтимоий лойиҳалар алоҳида эҳтиёжли оилаларни қўллаб-қувватлаш, саломатлигини мустақкамлаш, мавжуд муаммоларини бартараф этиш имконини бераётган.


Бугун халқ вакилларининг маҳаллаларда хонадонма-хонадон юриб, оилаларнинг аҳволини ўрганиб, уларни ўйлантираётган масалаларга тезкор ечим топиш бўйича олиб борилаётган тизимли ишлар самарасини одамлар ўз ҳаётида сезмоқда.

Ёш оилалар учун қуриладиган уй-жойлар, узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ҳам оила институтига бўлган юксак эътиборнинг амалий ифодасидир. Агар рақамларга тўхталадиган бўлсак, аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш мақсадида тўрт йил олдин ипотека тизимининг бозор тамойилларига асосланган янги тартиби жорий қилинган эди. Қисқа вақт ичида эса 100 триллион сўм маблағ ҳисобига ҳудудларда 6 мингта кўп қаватли уй барпо этилди.

Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида 250 минг оила янги бошпанали бўлди. Даромади юқори бўлмаган 45 минг оилага бошланғич бадал ва фоииз тўлови учун 2,4 триллион сўмлик субсидиялар берилди. Хусусан, биргина ўтган йилда мамлакатимиз бўйича 85 мингта хонадон қурилиб, 17 триллион сўмлик ипотека кредитлари ажратилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

“Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий фаоллигини ошириш, гендер тенгликни қарор топтириш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Шу мақсадда, аввало, миллий қонунчилигимиз такомиллаштирилиб, опа-сингилларимиз учун янада кенг имкониятлар яратилаётган.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳам оила жамиятнинг асосий бўғини, у жамият ва давлат муҳофазасида эканлиги, давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратиши белгилаб қўйилгани мамлакатимизда оила институтини мустақкамлашга қай даражада катта эътибор қаратилганлигини англатади.  
Бир сўз билан айтганда, оила жамиятнинг энг муҳим бўғинидир. Шундай экан, ҳаётимизга мазмун бағишлайдиган, бизни ҳаммиша ўз бағрига чорлайдиган оилалар доим мустақкам бўлсин. Матрифатпарвар бобомиз Абдурауф Фитрат айтганидек, авлодни тарбиялаш инсониятнинг хизмати дидир. Қачонки, биз яхши ахлоқ эгаси, билимли, касб-хунарли фарзандларни тарбияласак, шундагина улар эл манфаатига хизмат қиладилар.



Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик ана шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўлади.

Абдурауф ФИТРАТ



Ёрқиной  
ҲОЖИМАТОВА,  
"Адолат" СДП  
Наманган вилоят  
кенгаши раис  
ўринбосари

# ГУЛ САЙЛИ — ГУЗАЛЛИК БАЙРАМИ

Наманганда "Гуллар байрами" илк бор бундан 63 йил муқаддам, яъни ўтган асрнинг 1961 йил 19-20 август кунлари ўтказилган. Оддий ва камтаргина "Гул кўрғазмаси" байрами бор-йўғи икки кун давом этган ва унда беш-олтита ташкилот-муассасанинг хаваскор гулчилари иштирок эттишган.

Гуллар байрамига бўлган эътибор йилдан-йилга такомиллашиб, иштирокчилар сони кўпая бошлади. Ҳар йили баҳор кириб келиши билан наманганлик гулчилар Заҳриддин Мухаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида меҳр тафти билан етиштирган анвойи гулларини кўз-кўз қилиш учун кўрғазма ва гул бозорини ташкил эта бошладилар. Бу қора қишдан эсон-омон чиққан халқ учун кўнгилларга хуш кайфият улашувчи бетакрор тадбир эди.

Бугунги кунга келиб оддийгина бошланган "Гуллар кўрғазмаси" Халқаро "Гуллар фестивали"га айланиб кетди. Вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан гул савдосини ривожлантириш учун ёпиқ марказ ташкил этилди. Натигада йилнинг исталган пайтида гул сотиш ва сотиб олиш имкони яратилди. Гулчи тадбиркорлар пайдо бўлди. Ўнлаб оилалар гул етиштириш орқасидан даромад ола бошладилар.

2018 йилдан бошлаб фестивал даражасига кўтарилган байрамда нафақат юртимизнинг турли гушаларидан, ҳамдўстлик давлатларидан меҳмонлар ва олис давлатлардан гулга меҳр кўйган сайёҳлар ҳам Наманган шаҳрига ташриф буюра бошладилар. Гуллар шаҳри Наманган ва унинг аҳли дунё танийдиган, эътироф этадиган даражага етди.

"Гуллар фестивали"да гуллар карвони билан бошланадиган анъана ҳам ўзгача мазмунда тараққий этди. Аввалига бир русумдаги автомобиллар карвони орқали гуллар намойиш қилинган бўлса, бугунги кунга келиб унда қадимги автомобиллардан тортиб, бугунги кунда юртимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар, қишлоқ хужалиги ва туризми, ободончилик, оғир ва енгил саноатга хизмат кўрсатадиган техникалар анвойи гуллар билан безатилиб, шаҳар кўчалари бўйлаб намойиш этила бошланди. Бундан

юз минглаб одамлар завқ оладиган, ифтихор ҳиссини туядиган бўлди.

63-бор ўтказилаётган Халқаро "Гуллар фестивали"га Наманган вилоятининг "ҳаво дарвозаси" олдидан старт берилди. Икки юздан ортиқ турли русумдаги автомобиллар анвойи гуллар ва рамзий безакларга бурканган ҳолда узундан-узун карвон ҳосил қилиб, карнай-сурнайлар садоси остида шаҳарнинг кенг ва раво йўллари бўйлаб намойиш парадини ўтказди.

Айни кунларда Заҳриддин Мухаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи, "Янги Ўзбекистон боғи", "Афсоналар водийси" тематик парк ва бошқа дам олиш масканлари анвойи гулларга бурканган ҳолда меҳмонларни кутиб олмақда. Вилоятдаги барча шаҳар ва туманлар, йирик корхона, ташкилотлар ўзлари учун ажратилган ер майдонларида табиий гуллардан ҳайратланарли тарзда композиция ва декорациялар яратишган.

40 кеча-кундуз давом этадиган, миллатларнинг бирлашуви байра-

мига айланган маъмур фестивал дастурида миллий томошалар, танникли санъаткорлар иштирокида шоу концертлар, модальар намойиши, тарих, бугун ва келажак ҳақида сўз юритиладиган илмий-адабий анжуманлар, кўрик-танловлар, ноёб гуллар кўрғазмалари ва бошқа кўнгилочар тадбирлар, тарихий маскан ва зиёратгоҳларга саёҳатлар уюштирилиши режалаштирилган.

Фестивалда Япония, Ҳиндистон, Корея давлатларидан келган гулчилар ҳам меҳмон бўлиб туришибди. Эътиборли томони шундаки, бу йилги гуллар фестивалида етти миллион нафар маҳаллий ва икки юз минг нафардан зиёд хорижий меҳмонлар иштирок этиши кутилмоқда.

Наманган туризм бошқармаси томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, 19-21 май кунлари Наманганга айнан фестивалда қатнашиш ва томоша қилиш учун 1 675 009 нафар сайёҳлар ташриф буюргани қайд этилди. Шундан 70 626 нафарини хориждан келганлар ташкил этган.

**Муҳтарам юртдошлар, қўлимизни кўксимизга қўйган ҳолда сиз азизларга яна бир бор "Гуллар шаҳри Наманганга хуш келибсиз!" деймиз.**

## Barcha tadbirkorlik subyektlari diqqatiga!

Ўзбекистон "Адолат" сotsial-demokratik partiyasi quyidagi mezonlar asosida stendlarni va Ўзбекистон Respublikasi Konstitutsiyasining audio kitobini tayyorlash va xarid qilish bo'yicha **TANLOV E'LON QILADI:**

№	Stendlar o'lchami va turi	Soni
1	Logotip: Akrildan yonib turuvchi o'lchami 200x60 sm	1 dona
	Akrildan peshlavhalar o'lchami 60x80 sm	2 dona
	Akrildan partiya faoliyatiga doir o'lchami 120x200 sm axborot stendi	1 dona
	Akrildan partiya rahbarlarining qabul jadvali o'lchami 120x120 sm	1 dona
	Akrildan Kotibiyat xonasiga 150x120 sm hajmdagi axborot stendi	1 dona
	Akrildan partiya tarixiga doir yonib turuvchi o'lchami 120x200 sm axborot stendi	1 dona
	Resepshin o'lchami 85x25 sm	1 dona
№	Ўзбекистон Respublikasi Konstitutsiyasining audio kitobini tayyorlash	
1	Audio kitob g'ilofi o'lchami 135x190x15mm, 1 dona diskli, shaffof rangli, O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi tasviri, mundarija, partiya logotipi tushurilgan maxsus dizayndagi muqova: o'lchami 185x275 mm, foto qog'oz turi lustre (fujifilm: Niderlandiya), rangli	1000 dona
	Audio kitobni yozish uchun disk: turi - CD-R, axborotni saqlash hajmi 700MB/52x	

\* mazkur stendlarni va audio kitobni tayyorlashda tasvirlarni yaratish bo'yicha dizayn (audio kitob uchun diskka ovoq yozish) xizmati o'z ichiga olinishi shart!

**Eslatma!** Jadvalda ko'rsatilgan mahsulotlar uchun tanlov joriy yilning 6-iyun kuni soat 15:00 da partiyaning Markaziy apparati binosida bo'lib o'tadi.

Tijorat takliflarida moddiy boyliklarni ishlab chiqarishning eng qisqa muddatlari ko'rsatilishi shart. Sifati talabga mos kelmagan va sifat komissiyasi qabul qilmagan mahsulotlar uchun hamda dizayn xizmati uchun (mazkur tanlov g'olibidan tashqari) pul to'lanmaydi.

Tanlovda ishtirok etishni istagan tadbirkorlar tijorat takliflarini "Adolat" SDP Markaziy apparati binosida joylashgan tanlov komissiyasiga joriy yilning 5-iyun kuni soat 18:00 gacha muhrlangan konvertlarda topshirilishi shart.

Moliyalashtirish manbai: byudjetdan tashqari mablag'lar, kelgusida mablag'larning sarflanishi bo'yicha Hisob palatasining tekshiruv bo'lib o'tishi belgilangan.

**Buyurtmachi tomonidan tayyorlanadigan stendlar va audio kitoblarni soni va o'lchami o'zgarishi mumkin!**

Tanlov vaqtida quyidagi da'vogarlar tanlov komissiyasi tomonidan takliflari ko'rib chiqilmaydi va ishtirok etishlariga yo'l quyilmaydi.

- qayta tashkil etish, tugatish yoki bankrotlik bosqichida bo'lgan;
- barcha zarur hujjatlarni belgilangan muddatda taqdim etmagan;
- ilgari tuzilgan shartnoma (bitim)lar bo'yicha qabul qilingan majburiyatlarni zarur darajada bajarmagan;
- tanlov e'lon qilingunga qadar ta'sis etilganiga 6 oy bo'lmagan;
- buyurtmachi bilan sud yoki hakamlik muhokamasida ishi ko'rib chiqilyotgan.

**Eslatma!** Tijorat takliflari bilan birga tadbirkorlik subyektlarining davlat ro'yxatiga olinganligi haqidagi litsenziya yoki guvohnomalari rahbar tomonidan tasdiqlanib, muhrlangan konvertga solingan yopiq holatda, tadbirkorlik subyektlarining yuridik manzili, telefon raqamlari ko'rsatilib, "Adolat" SDP Markaziy apparatiga taqdim etilishi shart. Tijorat takliflari konvertga solinib muhrlangan yopiq holatda taqdim etilmasa litsenziya yoki guvohnomalari tadbirkorlik subyekti rahbari tomonidan tasdiqlanmasdan shuningdek, tadbirkorlik subyektlarining yuridik manzili, telefon raqamlari ko'rsatilmagan holda taqdim etilgan tijorat takliflari tanlov komissiyasiga kiritilmaydi.

Muqaddam sifatsiz mahsulotlarni yetkazib bergan va shartnomada belgilangan majburiyatlarni bajarmaganligi oqibatida "Buyurtmachi"larda yomon taassurot qoldirgan tadbirkorlar tanlov komissiyasiga kiritilmaydi.

Murojaat uchun: (71) 288 42 08 (111),  
(93) 202 14 04, (91) 265 93 96.

Komissiya kotibi K.MIRZABAYEV

## Хикмат КАТТА ОРЗУЛАРГА ИНТИЛИНГ

✓ Мияси майда-чуйда орзуларга тўла одамлар билан узоқ суҳбат қурманг. Улар сизнинг катта орзу-мақсадларингизни чўктиради.

✓ Ҳаётдан аламзада ва норози инсонлар билан мулоқот қилманг. Ундайлар сизнинг ҳаётга бўлган қизиқишингизни, умидингизни сўндиради.

✓ Жуда ҳам эҳтиёткор ва кўрқоқларнинг фикрларига қулоқ солманг. Улар туфайли таваккалга қўл урولмайсиз.

✓ Дангаса, ишқмаслар билан дўстлашманг. Акс ҳолда сизнинг миянгиз ҳам уларникига ўхшаб ҳаётда ўсиш учун имкониятлар эмас, кўпроқ ухлаш учун сабаблар излай бошлайди.

✓ Катта орзулар қилинг, мақсадлар қўйинг. Унга етиш режасини тузинг ва бу йўлда сиз билан елкама-елка муаммоларингизни ҳал қилувчи, қувончингизга шерик бўлувчи дўстлар орттиринг!

✓ Тафаккур қилинг!